

# Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендирув



ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

### Редактор:

*А. Тилегенов*

### Редколлегия аъзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дишподхўжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӨЛЕЎОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Аскарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕЙТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДЎИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

### Шўлкемлестириўшилер:

Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендириў  
Министрлиги, ӨЗПНИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм  
хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гуўалық  
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)

*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилуви шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жууапкер.*

## МАЗМУНЫ

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Рахмонов А.Р.</b> Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш .....	4
<b>Шерматов М.Н.</b> Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик .....	7
<b>Якубова М.Ю.</b> Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш .....	11
<b>Байметов М.М.</b> Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари .....	14
<b>Балтабоев С. А., Саггоров В.Н.</b> Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ..	18
<b>Караев В.Ш., Маматқулова З.С.</b> Ўқувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш .....	21
<b>Сайидова М.Х.</b> Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили .....	25
<b>Нурматов Ф.А.</b> Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари .....	30
<b>Турсунов А.Э.</b> Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари .....	32
<b>Халмухамедова М.А.</b> Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш .....	36
<b>Хамидов Ж.А.</b> Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш .....	39
<b>Чориев И.Р.</b> Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации .....	44

### МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУҶҲЫЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИҲ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х.</b> Тўғарак машғулотида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан .....	48
--	----

### ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Абдуллаева М.С.</b> Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни .....	52
<b>Луҳманов Д.Б.</b> Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўғаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш .....	56

### БАСЛАҶЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

<b>Шермухамедов Р.С.</b> “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўғараклар фаолиятини ташкил этишнинг инновацион технологиялари .....	62
<b>Юсупбаева А.С.</b> Бошлангич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш .....	67

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

<b>Sultonov Z.S.</b> Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari .....	72
<b>Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р.</b> Ғолиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди рухий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги .....	75
<b>Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н.</b> Спорт умуминсоний кадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида .....	80
<b>Болтаев Ш.Э.</b> Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш .....	87
<b>Худойбергенов Ж.С.</b> Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш .....	92
<b>Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А.</b> Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш .....	95
<b>Зокиров У.М., Абдуназарова З.А.</b> Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш .....	100
<b>Зокиров У.М., Назаров Ф.И.</b> Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш .....	103
<b>Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А.</b> Профессional футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари .....	106
<b>Одилов О.Н.</b> Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият .....	110
<b>Султонов А.И.</b> Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш .....	114
<b>Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А.</b> Умумий ўрта таълим мактабининг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш ..	118
<b>Хабидуллаев С.Х., Джурабоева Д.</b> Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қондаларининг аҳамияти .....	122
<b>Шадиев А.Ё.</b> Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётта татбиқ этиш .....	125
<b>Утепбергенов А.К., Шукураллаев Ж.М.</b> Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув .....	128
<b>Зуфаров Т.У.</b> Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста .....	132
<b>Маматкулов Р.С.</b> Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений .....	136
<b>Маматкулов Р.С.</b> Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики .....	140

Таълим муассасаларининг оилалар билан мустақкам алоқа ўрнатиши, турли тадбирларда ота-оналарнинг фаол иштирок этишларига эриштиш, оилавий анъаналар ва уларнинг шахс камолотидаги ўрни ва ролини очиб беришга қаратилган танловлар (масалан, иншоолар, сулолавий шажарадан хабардорлик танловлари)ни ўтказиш фарзандларнинг Ватанпарварлик туйғусига эга бўлишларида алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари // Тошкент: Ўзбекистон. 2020. – Б. 401, 105-106.
2. Президент Мирзиёев Ш. Раислигида 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши. // Халқ сўзи. 2021 йил 20 январь
3. Усмонов К. Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик // Тошкент. Тафаккур, 2016. – Б. 84-85.
4. Фаробий А.Н. Фозил одамлар шахри // Тошкент. Мерос. 1993. – Б. 166.
5. Хайдаров А.У. «Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишнинг асосий йўналишлари» // Ҳарбий ватанпарварлик – юсак ишонч ва садоқат тимсоли мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 2020. –Б. 106-110.

РЕЗЮМЕ

Мақолада оила тарбиясида болалар ҳаётини тўғри уюштириш, уларни вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишнинг асосий гарови эканлигини ота-оналар ўз фарзандларига уқтиришлари ҳақида фикрлар юритилди.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается идея о том, что родители должны учить своих детей тому, что правильная организация жизни детей в семейном воспитании является главным залогом их правильного и эффективного использования времени.

SUMMARY

The article discusses the idea that parents should teach their children that the proper organization of children's lives in family upbringing is the main guarantee of their correct and efficient use of time.

## ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ВА КОМПЕТЕНТЛИК

*Шерматов М.Н.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти жисмоний маданият кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** педагог, шахс, ўқитувчи, илмийлик, компетентлик, таълим, технология, куч-гайрат, катъият, тиришқоқлик, тадқиқот усул ва услублар, методика.

**Ключевые слова:** педагоги, персонал, учитель, научный, компетентность, образование, технологии, сила, настойчивость, методы, методы исследования и методы исследования, образования, технологии, сила.

**Key words:** teachers, staff, teacher, scientific, competence, education, technology, strength, perseverance, methods, research methods and methods of research, education, technology, strength.

Педагогик маҳорат ва компетентлик – педагог шахсининг тажриба орқали ортирган хусусияти, бирор соҳасидаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларининг назарий даражасидир. Бундай сифатлар ёшларни танлаган касбига ҳурмат уйғотиш жараёнидаги касбий гурурни шакллантиришда хизмат қилади. Шу жиҳатдан баркамол авлод тарбиясида ўқитувчи-тарбиячининг маҳорат эгаси бўлиши муҳимдир.

Педагогик маҳорат ва компетентлик касбга нисбатан тавсифнома бериш, таълим жараёнидаги ўзлаштириш савиясини эгаллаш, тарбия жараёнида муайян вазифани бажаришдаги касбий хислатларни таърифлашда қўлланилади.

Педагогик маҳорат ва компетентлик ўқитувчидан изланиш, маҳорат – педагогик технологияларни қўллай билиш, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Демак, ўқитувчининг кўп қиррали фаолияти ва унинг қобилияти, зўр санъаткор ва фидойи бўлиши ҳамда ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бири экан, ўқитувчилар педагогик маҳорат ва компетентликни эгаллашлари зарур.

Демак, педагогик маҳорат ва педагогик компетентлик барча педагоглар учун қоллиқдаги иш услуби эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати эвазига юзага келадиган жараёндир. Шу жиҳатдан олганда, педагог мутахассисларнинг компетентлигини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- шахс маънавий-ахлоқий сифатларининг фаол шаклланиши, педагогик технологияларнинг тамойиллари билан боғлиқликда кейинги амалий фаолиятда таълим жараёнини педагогик жиҳатдан бир бутун тарзда ташкил этиш ва амалга ошириш;
- таълимга технологик ёндашув асосида машғулотларнинг ўқув мақсадини қўя олиш, педагогик фаолиятни режалаштириш;
- амалий машғулотларни моделлаштириш, қийинчиликларни бартараф этиш имкониятларини башорат қила олиш, ҳаголарни тузата олиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама тараққий этиши, таълим жараёнининг «жонли», ижодий ташкил этишга ёрдам берувчи таълимнинг замонавий интегротив, билиш фаолиятини бошқариш методларини эгаллаш;
- таълим стандартларининг янги талаблари ва ўзининг эҳтиёжлари билан боғлиқликда ўқитиш ва таълим сифатини таххис этишининг турли усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш, бундан ташқари янги методик йўлларни мустақил яратиш ва назорат қилиш қўникмаларини эгаллаш;
- педагогика ва психологияга оид янги адабиётларни мунтазам мутолаа қилиб бориш;
- илғор педагогик тажрибалар ва педагогика фанининг замонавий ютуқларидан амалиётда фойдаланиб, ижодкор, мустақил фикрловчи ва ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантирувчи маънавий-маърифий тарбиявий ишларни олиб бориш. Бунда ўқитувчининг фаолияти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:
  - ўз-ўзини ривожлантириш малакасига эғалик;
  - ўқув фаолиятини илғор технологиялар асосида қуриш;
  - ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳурматнинг қарор топишга замин яратиш, дўстона муносабатларни шаклланиши;
  - ўқув фаолиятининг ўқувчилар ички мотивига асосланган изланувчанлик йўналишининг касб этишини таъминлаш, билим олишга ишғиёқни кучайтириш, ўқувчи эҳтиёжларини бошқариш ва бошқалар.

Педагогик фаолият ўқувчиларга уч хил педагогик таъсир кўрсатишни назарда тутати: Нимани ўқитиш, кимни ўқитиш ва қандай ўқитиш? Демак, моҳир ўқитувчи ўқув предметидан материал танлаш ва уни гуруҳларга ажратиш ўқувини ошириши, ўқувчиларнинг мавжуд имкониятлари, таълимнинг умумий мақсадларини амалга ошириб, ўқувчиларга таъсир кўрсатишнинг шакл, усул ва методларини оқилона тан-

лаши ва қўллаши лозим. Табиийки, мохир ўқитувчи ўзининг шахсий фаолиятини ўзи таҳлил қилиб боради. Иш довомида ўқувчилар ва ўзининг шахсий меҳнати ҳамда сарфланган вақтини ҳисобга олиш, ишдаги камчиликлар мавжуд жойларни қўра билиш ва уларни бартараф этиш йўллари танилаш, ўз тажрибасини ва ҳамкасбларининг ишларини таҳлил қилиш ўта муҳим. Агар педагогик фаолиятнинг барча санаб ўтилган таркибий қисмлари мавжуд бўлса, у ҳолда уни психологик жиҳатдан тўла ва етуқ, деб ҳисоблаш мумкин. Педагогик компетентликни ривожлантириш учун фаолият довомида педагогик вазифа ва мақсадларни қўйиш, уни ўзгартириш, педагогик вазиятларни таққослаш ва классификациялаш, қарор қабул қилиш, педагогик тафаккур ва педагогик интуиция, таҳлил этиш, баҳолаш, ўзини ўзи коррекциялаш, педагогик рефлексия ва бошқалар каби муҳим касбий сифатлар мужассамланади.

Педагогик компетентликни ривожлантириш бевосита унинг фаолиятида рўй берадиган ўзгаришлар, мотивлар, мақсадлар, янги воситаларни қўллаш, усуллар ҳамда фаолият дастури билан боғлиқ ҳолда кечади. Турли педагогик ўзгаришлар асосида ўқитувчи фаолияти шаклланиб боради. Педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли раҳбар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ички дунёсини тушуна оладиган, уларнинг туйғуларини ҳис қила оладиган, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига мохирлик билан авайлаб ёндашадиган, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазия, чуқур илмий тафаккурга эга бўлган шахс ҳисобланади. Педагогик маҳоратга педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам қиради, улар тарбияга кам куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради. Педагогик маҳорат ва компетентлик ўқитувчидан одатдан ташқари кучгайрат, қатъият, тиришқоқлик, тадқиқотларни олиб боришга интилиш, янги вазият, янги жамоага мослашувчанлик, самимият, тўғрилиқ ва ҳалоллик, ўткир ақл-идроқ, бир воситани бошқаси билан текшириб қўриш малакасини талаб қилади.

Шундай экан, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, айниқса, ижтимоий ва маънавий соҳада қўйиладигарга эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланади:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлик;
- миллий-истиклол ғоясига содиқлик;
- миллий маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
- қадимги ва замонавий маданий бойликлар, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда қўлайтириш;
- хур фикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш;
- ижтимоий тенглик ва адолат қоидаларини рўёбга чиқариш;
- халқимизнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибасини таълим ва тарбия тизимига узвий равишда тадбиқ этиш;
- ижодий-изланувчанлик фаолиятининг барча турларини ривожлантириш.

Президентимиз қўяётган талаблардан бири – педагогик тизимда энг етуқ, тажрибали ўқитувчиларнинг фаолият курсатишидир. Ушбу талабдан келиб чиқиб, республикамизда жуда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўн бир йиллик таълимнинг қайта тикланганлиги фикримизга мисол бўла олади. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг мазмуни эркин, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қаратилишини таъкидлаб ўтади. Бу жараёнда «ўқитувчи-ўқувчи» муносабатини ўзгартириш талаб этилади.

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши лозим. Демак, ўқитувчига қўйиладиган яна бир муҳим талаб, янги педагогик технологияларни чуқур тушуниб етиш ва болаларни мустақил фикрлашга

ўргатишдан иборат. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фқрлайдиган этиб тарбияланади.

Демак, ҳозирги кунда таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш, уларни Ватанга садоқатли, ёвуз гоълардан холи, билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, эркин фикрли, онгли, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Шундай қилиб, давлатимиз томонидан халқ таълими соҳасига қўйилаётган вазифаларни бажаришда педагогик компетентликни ривожлантириш педагогик ва психологик қонуниятларга таянган ҳолда турли шакл ва методлар орқали, махсус дидактик тамойилларни қўллаш асосида ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва жамият талабидан келиб чиқиб, бугунги кунда ўқувчи фаолияти ўқув жараёнида билимларни ўрганиш, малака ва қўникмалар ҳосил қилиш асосида ташкил қилинса, ўқитувчи фаолияти педагогик вазифаларни қўйиш, мақсадга эришиш, фаолият предмети, воситаларини аниқлаш, уларни бажариш усулларини оқилона танлаш, ўқувчи фаолиятини бошқариш, илғор ўзаро ҳамкорликка асосланган таълим-тарбияни ташкил қилиш натижасида амалга ошади.

Маълумки, педагогик фаолият – инсон меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлиб, бу фаолият бевосита давлат ва жамият томонидан қўйиладиган талаблар асосида ташкил этилади.

Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- шахсни маънавий ва маърифий томондан тарбиялаш, ўқувчиларни мустақиллик гоъларига содиқлик руҳида тарбиялаш, ўз Ватани, табиат ва оиласига бўлган муҳаббатни шакллантириш - ўқувчиларни турли соҳага оид бошланғич билимлардан хабардор қилиш;
- ўзи дарс бераётган фан бўйича етук мутахассис бўлиш;
- таълим ва тарбиянинг энг мақбул методикасини эгаллаш;
- ўз ишига ижодий ёндашиш, сергак ва ҳушёрлик;
- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш.

Бу талабларни бажариш учун ўқитувчиларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, тизимда интеллектуал ўқитувчилар элитасини шакллантириш, юксак истеъдодли ўқитувчиларга билимнинг тегишли соҳалар ёки фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш, ўзидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратиш лозим.

Бунинг учун ўқитувчиларнинг интилиш, қатъийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатларини ҳамда ижодий фаолият билан шуғулланиш истагини ривожлантириш ва интеллектуал салоҳиятини ўстиришга кўмаклашиш, уларнинг индивидуал малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчи фаолият мониторингининг самарали шакллари яратиш ва амалиётга жорий этиш, махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ишларини ривожлантириш, психологик ва педагогик тестлар, турли танловлар орқали ўқитувчиларнинг ижодий ривожланганлик даражасини аниқлашни йўлга қўйиши лозим.

Жамиятда тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар ўсиши баробарида, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам доимий равишда ўсиб боради.

Адабиётлар:

1. Н.Н.Азизходжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003.;
2. Э.А.Сейтхалилов Педагогические основы оздоровительной направленности учебно-воспитательного процесса в общеобразовательных школах Узбекистана. – Автореф. дис.... док.пед.наук. – Ташкент: УЗНИИПН, 2000.;
3. Ў.Қ.Толипов ва бошқ. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 206 б.;
4. Т.С.Усмонхаджаев Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью (на материалах общеобразовательных школ Узбекистана) – Т., 1995.;
5. Ш.С.Шарипов ва бошқ. Қасбий таълим педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2005.;
6. Д.Д.Шарипова и др. Использование здоровьесберегающих технологий в системе непрерывного образования в целях духовно-нравственного и культурного развития подрастающего поколения. – Т.: «Fan va technology», 2014.;
7. Ф.Р. Юзликбаев Теория и практика интенсификации дидактической подготовки будущего учителя в системе высшего педагогического образования (на материале педагогических дисциплин): Автореф. дисс. док. пед. наук. – Т.: 2005.;
8. А.Г.Глазко. Требования к личностным и профессиональным качествам выпускника // Специалист 2003, №7.;
9. Р.Фрейджер. Теории личности и личностный рост [Электронный ресурс]. URL: <http://www.gummer.info/bibliotek> (дата обращения: 28.09.2012).;
10. И.С.Якиманская. Личностно ориентированное обучение в современной школе.–М., 1996.;
11. П.П.Беленький ва бошқ. Проблемы формирования информационной компетенции студента в вузе. – М., 2004.;

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқитувчиларини педагогик маҳорати замонавий талаблар асосида тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье теоретические и практические аспекты подготовки преподавателей в области современных требований охватываются в области современных требований.

SUMMARY

The theoretical and practical aspects of training teachers in the field of modern requirements are covered in the field of modern requirements.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Якубова М.Ю.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақирқочча ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** креативлик, индивидуининг, омил, муайян фаолият, кўникмаларнинг, мезърий ҳолат, рухий барқарор, тахмин-фараз, турли кирралари, бевосита фикрларни, фикр-мулоҳазаларини, иктидорини, ижодкорлик қобилияти, изчил ривожлантириб.

**Ключевые слова:** креативность, личность, фактор, конкретная деятельность, навыки, нормативное состояние, психическая устойчивость, предположения, различные аспекты, прямое мышление, обратная связь, талант, творческие способности, последовательное развитие.

**Key words:** creativity, personality, factor, specific activity, skills, normative state, mental stability, assumptions, various aspects, direct thinking, feedback, talent, creativity, sequential development.

Замонавий таълим барча турдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи, педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмокда. Чунки, бунда, анъанавий педагогик фикрлардан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шуниингдек, умумтаъ-



Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы  
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 1/1**

Нөкис — 2022

Басып шығыуға жууапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаган:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыуға рухсат етилди 17.02.2022. Форматы 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.  
Шэртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Х. Бойкаро, 51